



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 14 май, № 96 (6279)

Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Бандлик:

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Катта ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир ёш, энг аввало, жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашни мақсад қилади. Пухта билим олиб, касб-ҳунар эгаси бўлаётган ёшлар учун яратилаётган иш ўринлари ана шундай орзу-умидлар рўёби сари йўл очиши, шубҳасиз. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислохотлар жойларда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ДАСТУР ИЖРОСИ — АМАЛДА

Хусусан, бундай эзгу сай-ҳаракатлар натижасида ўтган йили Тошкент вилоятида 87 минг 421 иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан ортиги қишлоқ жойларга тўғри келади. Мазкур рақамларнинг ўзиёқ қанчадан-қанча хонадонларга қут-баракка қираётганидан далолат беради, албатта. Масалан, Ангрен шаҳридаги "Jun Long Industrial", "Alfredo textile", Олмалик шаҳридаги "Jurabek Laboratories" қўшма корхоналарининг ҳар бирида янги қувватларни ўзлаштириш, мавжудларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳисобидан 100-120 нафардан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланди. Бундан тўқимачилик йўналишида фаолият бошлаган "Дайш мега-текс" масъулияти



чекланган жамияти эса бир йўла 300 кишини ишга жалб этди. Бекобод шаҳридаги "Сайёра орзу", Бекобод

туманидаги "Зафар қурилиш инвест" корхоналари фаолиятининг кенгайтиши ҳисобига уларда ҳам 30-35 та иш жойи

яратилди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча Тошкент шаҳрида "Замонавий технологиялар ва инновациялар — Ўзбекистон нефть-газ саноатининг энергетика самарадорлигини оширишнинг асослари" мавзусида халқаро конференция очилди.

Замонавий технологиялар — ривожланиш ОМИЛИ

"Ўзбекистон нефть ва газ — OGU — 2015" ўн тўққизинчи халқаро кўргазмаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда дунёнинг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, Голландия, Польша, Словения, Франция, Чехия, Жанубий Африка Республикаси, Корея Республикаси сингари ўнлаб давлатларидан 100 нафардан ортиқ хорижий мутахассислар, йирик компаниялар вакиллари ҳамда халқаро экспертлар қатнашмоқда.

Жаҳон ёқилғи-энергетика бозорининг энг нуфузли анжуманлари сирасига кирувчи ушбу анъанавий форумдан кўзланган мақсад мамлакатимиз нефть-газ салохиятини кенроқ намоён қилиш, маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида савдо-инвестициявий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, энг асосийси, тармоқ ривожига қаратилган доллар масалаларни муҳокама этишдан иборатдир. Шу боюнча бўлган қизиқ иш сайин ортиб борапти.

Халқаро конференциянинг ялпи мажлисида таъкидланганидек, унинг мавзуси ниҳоятда долзарб. Чунки ишлаб чиқариш, айниқса, нефть-газ саноати истиқболини замонавий технологиялар ва илгор инновацияларнинг тасаввур қилиб бўлмайдми. Шунинг учун юртимизда мавжуд қувватларни изчил модернизациялаш, замонавий объектиларни бунёд этиш, янги конларни ўзлаштириш жараёнига илгор ва тежамкор технологиялар татбиқ қилинмоқда. Натижада углеводородни чуқур қайта ишлаш ҳамжи ортиши баробарида, тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, экспорт ҳажмини оширишга эришиляпти.

Халқаро экспертларнинг фикрича, республикамизнинг нефть-газ ва нефть-кимё саноати салохияти юқори бўлиб, табиий газ ҳамда газ конденсатини қайта ишлаш асосида қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамжони янада ошириш ва уларнинг турини кенгайтириш мумкин. Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги "2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ушбу жабҳада янги ўқларни очмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ НИЗОМИНИНГ IV МОДДАСИГА МУВОФИҚ, 2015 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ДОИРАСИДА ХВЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МИССИЯСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси 2015 йилнинг 29 апрель — 12 май кунлари IV Моддага мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар ўтказиш учун Тошкентда бўлди.

Ражи Альмарзоки миссия иши якунлари тўғрисида кўйидагича баёнот берди: «Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолиятнинг сустиги, шунингдек, нефть нархи пастлиги билан ифодаланган мураккаб таъкидлаш шариолида ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5 фоиз ўсди. Давлат томонидан катта ҳажмда инвестициялар сарфланаётгани ва газ экспортини Россиядан Хитойга қайта йўналтириш стратегияси ушбу босқичда мамлакат иқтисодиётини минтақанинг бошқа давлатларида рўй бераётган секинлашшудан ҳимоя қилди. Ташки иқтисодий мақса мустаҳкамликка қолмоқда, аммо жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит ҳажми қанчалик бўлмади. ХВЖ ходимлари томонидан истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг мукбил услуби асосида ҳисоблаб чиқилган йиллик инфляция даражаси 2015 йилнинг март ойини ҳам қўшганда, бир рақамли кўрсаткичга пасайди ва тахминан 9 фоизни ташкил этди.

Солиқ-бюджет сиёсати ҳар доимгидек пухта амалга оширилмоқда. 2014 йилда бирлаштирилган бюджет-

да кичик профицит юзага келгандан сўнг, 2015 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича бюджет ижроси мувозанати таъминланди. Бу бюджетда кўзда тутилганидан кам маблағ сарфлангани билан боғлиқдир. Инвестициялар ҳамон давлат ҳаражатларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Пул-кредит сиёсати ҳам мослашувчанлик даражасида сақланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йилнинг январь ойидан асосий ставкани, қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 9 фоизга туширди. Иқтисодиётда кредитлар ҳажми юқориликка қолмоқда. Ўзбек сўмини алмаштириш курсининг пасайиш суръатлари Ўзбекистоннинг савдо шериклари бўлган мамлакатлар валютасига нисбатан анча паст.

Банк сектори барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолмоқда. 2014 йилда гаров таъминоти рўйхатга олишининг марказлаштирилган тизими жорий этилган молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди.

Келгуси истиқбол ҳақида сўз борганда, шунингдек кераки, 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек, юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, шунингдек, таркибий ислохотларни берадиган хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида

эришилади. Шундай бўлса, қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари ҳисобланган мамлакатларда ўсиш суръатларининг кутилганидан ҳам сезиларли даражада секинлашиши билан боғлиқ хавфларнинг кучайиш эҳтимоли кузатилмоқда. Валюта захираларининг етарлиги, бюджет соҳасининг мустаҳкамлиги ва давлат улуши даражасининг пастлигини ўз ичига олган салмоқли буфер захираси ҳисобидан юқорида келтирилган омиллар таъсирининг олди олинади. Тегишли иқтисодий сиёсат чоралари, жумладан, солиқ-бюджет сиёсатининг ўртача юмшатилиши, қатъий пул-кредит сиёсати ва мослашувчан алмашув курси қисқа муддатли даврда иқтисодиётда салбий таъсири юмшатиш имконини беради.

Аҳоли барча қатламлари манфаатларига хизмат қиладиган барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари хусусий секторни изчил ривожлантиришни рағбатлантиришга асосланган. Бунда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, корпоратив бошқарув ва ошқорлик принципларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Расмий идоралар хусусий секторни изчил ривожлантиришнинг аҳамиятини яхши тушунади. Расмий идораларнинг таъкидлашича, валютани назорат қилиш чораларини юмшатиш, асосий инфратузилма ва хом ашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, лицензия ва ружсат беришни расмийлаштириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар,

муддат ва ҳаражатларни камайитириш, шунингдек, хусусий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш орқали хусусий секторни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар куралиди. Бу борадаги қатъий чоралар хусусий секторни ривожлантиришга янги туртки беради.

Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич ошириш орқали энергия ресурслари учун мавҳум субсидияларни қисқартириш бўйича стратегиясини, шунингдек, давлат мулк бўлган 1500 дан зиёд объектни корпоратив бошқарушни мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорини ижобий баҳолайди.

Расмий идораларнинг солиқ-бюджет статистикасини эълон қилиш орқали маълумотлар ошқорлигини таъминлаш тўғрисидаги қарори ҳам эътиборга молимул. Муҳим иқтисодий ва ижтимоий ахборотдан фойдаланиш ва унинг сифатини янада ошириш амалга оширилаётган сиёсатни ҳақиқий маълумотларни қўллаш идораларнинг миллий ҳисоб-рақамлар статистикаси масаласи бўйича техник ёрдамни жалб этиш борасидаги режасини маълумлайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий идоралари ва бўлиб ўтган учрашувларнинг бошқа иштирокчиларига самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади».

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН



Электрон тижорат — иқтисодий тараққиёт гарови

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни изчил диверсификация қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотларни кўпайтириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнес юритиш учун қулайликлар яратиш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иқтисодиётнинг барча жабҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бозор иқтисодиёти шариолида электрон тижоратнинг жадал ривожланиши юқори иқтисодий самарадорликни таъминлашга, инновацион тадбиркорлик фаолиятининг янада тараққиёти эшига хизмат қилади.

Бугунги кунда бизнесда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани натижасида соҳанинг электрон кўриниши шаклланмоқда, масофалар қисқариб, вақт тежалаяпти. Кундалик турмушимиздаги турли юмшларни интернет орқали бажариш, хат-хабарлар, тўловларни электрон тарзда амалга ошириш амалиёти тобора кенгайиб бораётир. Пировардида замонавий ахборот технологиялари асосида янги

турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар тизими ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Биргина жорий йил бошидан буён кичик бизнес субъектларидан давлат харидлари ҳажми 77,9 миллиард сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари умумий ҳажмининг 99,6 фоизини ташкил қилди. Айни пайтда давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг жорий этилиши ҳисобидан 22 миллиард сўмлик ёки шу мақсадга мўлжалланган 21,9 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2015 йил 15 май кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 14 май кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

Кеча ким эдигу бугун ким бўлдиқ?

Инсон — бетакрор хилқат. Умр эса — ўткинчи. Вақтнинг ганиматлиги ҳар биримизни ҳаётда эзгу амаллар, хайрли ишларни кўпроқ қилишга ундайди. Бу, энг аввало, юртимизда ўтганлар хотирасига эътиром кўрсатиш, ҳозир орамизда умргузаронлик қилаётган кексаларимизни қадрлаш борасидаги давлатимиз сиёсатида яққол ўз аксини топмоқда.

Айни пайтда тахририятимизга юртдошларимиз йўллаган дил сўзларини ўқиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

СУРУП

Абдулла НАРЗУЛЛАЕВ, хунарманд (Ғиждувон тумани): — Ғиждувондаги куллик музейимизга хорижлик сайёҳлар тез-тез келиб туришади. Бу ерда мамлакатимизнинг турли гушалари куллик мактаби маҳсулотлари, каштачилик буюмлари жамланган. Эсимда, бир сайёҳ музейни томоша қила туриб, "Ўзбекистон халқ амалии санъатида ёрқин ва тиниқ ранглар кўп ишлатилар экан", деб қолди. "Тўғри пайқабсиз, — дея жавоб берганим ўшанда. — Чунки тинчликсевар, бунёдкор халқимиз. Осмо-

нимиз ҳаммаша мусаффо, осуда бўлишини истаимиз. Бу асарларимизда ҳам ўз аксини топган".

Президентимизнинг байрам муносабати билан Хотира майдонидан билдирган фикрларини тингларканман, беихтиёр хорижлик меҳмоннинг ўша сўзлари ёдимга тушди. Тинчлик бебаҳо нъмат эканини, мустақиллигимизнинг кадр-қимматини янада теран англаб етдим. Айниқса, "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдиқ?" деган савол ҳаёлимдан кетмай қолди.

(Давоми 2-бетда).

Электрон тижорат — иқтисодий тараққиёт гарови

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Юртимизда электрон тижорат соҳасидаги муносабатларнинг норматив-ҳуқуқий асослари яратилган. "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон тўловлар тўғрисида", "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар ана шулар жумласидандир. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида электрон банк ҳужжат айланиши, электрон пластик қарточка каби тизимлар амалиётга изчил жорий этилаётган.

Барчага аёнки, кейинги йилларда юртимизда иқтисодийнинг жадал ривожланиши кузатиш мумкин. Натижада электрон тижоратнинг аҳамияти тобора ошади, аҳолининг ушбу соҳа хизматлари бўлган талаб ва эҳтиёжлари юқалиб бораёпти. Шак-шубҳасиз, электрон тижорат бозорини тараққий топтириш ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиб, тегишли механизмларни кенгроқ жорий қилиш, энг аввало, электрон тижорат соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига олиб чиқди.

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиши кутилаётган янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун ҳам ана шу талаб ва эҳтиёжларни ино-

батга олган ҳолда ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналишида 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар доирасида тайёрланган.

Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг жамоатчилик, соҳа мутахассислари, сиёсий партияларнинг фаол иштирокида, халқро ва ҳориз таърибаси чуқур ўрганилиб, илғор ютуқ ҳамда тажрибалар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган. Сенат томонидан ушбу ҳужжатнинг кенг муҳофазаси ташкил этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қонун электрон тижоратни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник шароитлар яратди. У тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қўшимча шароитлар яратиш имконини беради. Электрон тижоратни янада ривожлантиришга, электрон савдода замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга, битимларни тўзиш тартиб-таомилларини соддалаштиришга, электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини рўйбага чикаришнинг ҳуқуқий механизмларини ўрнатилш ва муҳофаза этишга хизмат қилади.

Мазкур Қонун республикада электрон тижоратни янада кенг жорий этишга ҳуқуқий замин яратиб, савдо операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (транзакция харажатлари)ни камайтиради. Электрон тижорат субъектларининг бири-биридан географик узоқлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади. Сотувчилар ва харидорлар ўртасида тўғридан-тўғри тезкор равишда шартномавий муносабатларни ўрнатилш учун шароит тўғрисида. Жумладан, бозорда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлишида муҳим омилига айланади. Қолаверса, у тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити янада яхшиланиши, халқро стандартларга жавоб берадиган технологик бозор инфратузилмасини яратишга қўшимча имкон беради.

Умуман, Қонунда кўзда тутилган қоидалар умумдавалт ва худудлар манфаатларига уйғун бўлиб, улар мамлакатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги, инвестиция фаоллигини юксалтириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг ҳақон бозоридаги рақобатдошлиги ва сифати ошишида айна мудабо бўлади.

Эгамберон РҶЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Негаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, белгиланган давр ичида умумий қиймати 18 миллиард АҚШ долларлик 50 дан ортқ инвестициявий лойиҳалар ҳаётга татиқ этилади. Асосан, нефть ва газ қазиб олиш ҳажмини ошириш, янги конларни ўзлаштириш, углеводородни чуқур қайта ишлашни кўпайтиришга қаратилган бу лойиҳалар ижросига ҳозирда-ноқ чет эл инвестицияси жалб қилина бошлангани эътиборга моликдир.

— Конференцияда яқин истиқболда Ўзбекистон иқтисодиёти-

Замонавий технологиялар — ривожланиш омили

нинг нефть-газ соҳасида амалга оширилиши белгиланган йирик лойиҳалар билан танишдим, — дейди Франциянинг "CGG" компанияси савдо бўйича минтакавий директори Абдулқодир Жедду. — Улар доирасида геофизик қидирув ишларини кенгайтириш, янги конларни ўзлаштиришга устувор аҳамият қаратилаётгани менда катта қизиқиш уйғотди. Бизнинг компаниямиз айна шу

йўналиш, яъни геофизик қидирув ишларини рўйба чикариш учун кенг турдаги дастурий таъминот маҳсулотлари ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш билан шуғулланади. Шу боис тадбирда мазкур масалага бағишланган маърузам билан иштирок этаяман. Ялли мажлисда Ўзбекистон нефть-газ саноати ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболи,

унга янги технологиялар ҳамда инновацияларни жалб қилган ҳолда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш каби долзарб масалаларга доир маърузалар тингланди. Халқро конференция иштирокчилари шуъба мажлисларида соҳага оид муҳокамаларни давом эттирдилар.

Саид РАҲМОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Янгича ёндашув, юқори натижа

Тошкентда БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда иқлимий хавфларни бошқариш" лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди.

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси масъул ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, шунингдек, экологлар катнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда дунёда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари оқибатида табиий офатлар хавфи ортиб бораёпти. Бу, ўз навбатида, жамият олди-га унинг салбий таъсирини юмшатиш, талафотларнинг олдини олиш каби масалаларни ҳал этиш вазифасини қўймоқда. Лойиҳа доирасида айна шу муаммолар тўғрисида етказилиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш, тежамкор техноло-

гияларни қўллаш орқали юқори самарадорликка эришиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Семинар иштирокчилари эътиборига лойиҳанинг шу каби амалий натижалари тақдим этилди. Хусусан, тажриба сифатида танлаб олинган Қашқадарё вилоятида сувни тежаш ва қуроқчиликнинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида томчилятиб сугориш тизими жорий қилинган, деҳқон ва фермер хўжаликларида ерни лазерли текислаш йўлга қўйилгани охиёатни иқтисод қилиш баробарида, баракали ҳосил олиш имконини бериб.

Тадбирда лойиҳа доирасида тайёрланган нашрлар, ер ва сувдан оқилана фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар тақдимотлари ҳам бўлиб ўтди.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Фалларол туманидаги "Nargiza-teks" корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Корхона маҳсулотларига юксак баҳо

Лекин трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу субъект маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам дуврқ қозониб улгурди. Бунга фаллароллик чеварлар томонидан тикилаётган кийим-кечаклар халқро миқёсда эътироф этилаётганидан ҳам англаш мумкин.

Хусусан, яқинда қароргоҳи Испания пойтахти Мадрид шаҳрида жойлашган "Business Initiative Directions" (BID) ташкилотининг етакчи экспертлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар натижаларига кўра, "Nargiza-teks" маҳсулотлари "Етақчилик учун юлдуз" халқро муқофотига лойиқ деб топилди. Қуни кеча жамоа мазкур ташкилот раҳбариятидан шу ҳақда мактуб олди. Ушбу нуфузли халқро муқофот жорий йилнинг июнь ойида Парижда бўлиб ўтадиган тантанали маросимда топширилади.

Айтиш керакки, айна пайтда корхона жамоаси Америка Қўшма Штатларидан олинган буюртмани бажариш устида ишлаяпти.

Тождин ҚАМАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Фойдали хусусиятлари сақлаб қолинади

Мутахассисларнинг фикрича, инсон ҳар куни сут маҳсулотлари истеъмол қилиши зарур. Чунки унинг таркибида соғлиқ учун зарур витамин ва минераллар мавжуд.

Шу боис ушбу неъматларга кундалик турмушда эҳтиёж катта. Хўжайилик тадбиркор Аҳмет Ибрагимов туман марказида сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Ibraxim Qudrati Xaybat" масъуляти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйишда масаланинг айна шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди. Банкнинг 350 миллион сўмлик молиявий кўмагида рўйбага чикарилган мазкур лойиҳа туфайли

бу ерда кунига 3 тонна сутни қайта ишлаш имконияти юзага келди. — Хорижий энг илғор технологиялари билан жиҳозланган корхонамизда қайта ишлаш жараёнида сутнинг фойдали хусусиятлари сақлаб қолинади, — дейди тадбиркор. — Шу боис ички бозорга чикараётган қаймоқ, пишлоқ, сметана каби олти турдаги маҳсулотларимиз тезда ўз харидорларини топти.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ортиқча харажатга чек қўйилди

"Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш" масъуляти чекланган жамиятининг "Ҳузор ун" филиалида йилига 1700 тонна иккиламчи маҳсулот — дон чиқиндисини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Янги технологик линия туфайли 65 миллион сўмлик сарф-харажатлар тежаб қилинади бўлди.

Дларги дон чиқиндисини қайта ишлаш учун Косон туманига жўнатиларди, — дейди филиал раҳбари Боймурод Бердиев. — Янги цех фойдаланишга топширилган, бу каби оворгарчиликларга барҳам берилди. Қашқадарё вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури асосида амалга оширилган лойиҳа рўйи учун 412 миллион сўм йўналтирилди. Ҳозир бу ерда кунига 25 тоннагача озуқа тайёрланиб, худуддаги чорвачилик хўжаликларига етказиб берилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ишбилармонлар кўриги

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуида бўлиб ўтган "Ташаббус" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг кўргазмаси билан бошланди.

«ТАШАББУС — 2015»

Тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси ўз соҳасида эришган муваффақият ва тажрибаларини намойиш қилди. Улар томонидан кўргазмага қўйилган маҳсулотлар бу ерга таширф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Айтиш керакки, ҳақамлар ҳайъати учун танлов қатнашчилари фаолиятини баҳолаш осон кечмади. Ушбу жараёнда тадбиркорларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги ўрни бораосидаги кўлпал жиҳатлар асосий месон қилиб олинди. Унга кўра, "Энг яхши хунарманд" номинациясида Термиз шаҳридаги

"Angel" корхонаси раҳбари Назира Шобердиева, "Энг яхши тадбиркор" йўналишида Денов туманидаги "Денов равнақ камоли" хусусий корхонаси директори Ҳабибулло Муродов, "Энг яхши фермер" номинациясида эса Шеробод туманидаги "Тошпўлатов Баҳодир Жўраниёзович" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Тошпўлатов фолибликка эришди.

Шунингдек, тадбирнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Бандлик:


ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Замонавий технология билан жиҳозланган саноат корхоналарида ишлаш бир қарашда мушкул вазифадек туюлади. Чиндан ҳам, компьютерлаштирилган қурилмалар мутахассисдан тезорлик ва аниқликни талаб этади. Қувонарлиси, бугун юртимиздаги касб-хўнар коллежларида ўқиб, пухта билим ва кўникмага эга бўлган ёшлар бундай мураккаб технологик ускуналарни моҳирона бошқаришяпти.

Ўрта Чирчиқ туманидаги саноат ва сервис касб-хўнар коллежини тўқимачилик йўналиши бўйича тамомлаган Сайёра Тошматова ҳам Тўйтепадаги "Textill Mill Tashkent" корхонасида иш бошлаши биланқ ўз вазифасига тезда киришиб кетди. Ҳозир жамоада унинг 50 га яқин тенгдошлари энгил саноат соҳасида тажриба орттирмоқда.

— Коллежини битирган, албатта, ўзим танлаган соҳа бўйича ишламан, деб мақсад қилгандим, — дейди Сайёра. — Бунга қарангки, дипломи бўлганимча, шаримизда энг илғор технологик ускуналар билан жиҳозланган энгил саноат корхонаси фаолият бошлади. Ҳеч иккиланмай, шу ерга ишга келдим. Янглишмаган



эканман. Чунки бу жамоада "Устоз — шогирд" аънанаси яхши йўлга қўйилгани тажрибамиз ошишида жуда асқатмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасида маълум қилишларича, кейинги бир йилда худуднинг шахар ва туманлардаги Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат этган 20 минг 103 нафар фуқаро ўзига мақбул, маълумоти ва му-

тахассислигига мос иш билан таъминланди. Уларнинг яна бир гуруҳи ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 10 минг 751 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқаро ҳам мазкур тоифа учун мўлжалланган иш ўринларига жойлаштирилди. Бу борада мунтазам ташкил этиб келинаётган меҳнат ярмаркаларининг ўрни ва аҳамияти катта бўлаётир.

— Уй-рўзгор юмушлари ҳамда фарзанд тарбиясидан ажралма-

ган ҳолда даромад топишни истардим, — дейди Зангиота туманилик уй бекаси Умида Эшонқулова. — Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази кўмаги билан мақсадимга эришдим. Ҳозир туманимиздаги "Map joy toys" масъуляти чекланган жамияти касаначилари сафидаман. Шу тариқа оиламиз фаровонлигига ҳисса қўшаяман.

Эътиборлиси, ўтган йили вилоятдаги 300 дан зиёд корхонада касаначилик асосида 4 минг 500 га яқин иш ўрни яратилди. Хусусан, Бекобод шаҳри, Бўстонлик, Зангиота, Янгиўл ва Қўб-рай туманларидаги ўнлаб саноат тузилмаларининг ҳар бирида 15-18 тадан касаначилик ўрни очилди. Улар, асосан, хотин-қизларга мўлжалланган бўлиб, қоржомалар тикиш, маҳсулот саралаш, қадоқлаш, қутиларга жойлаш, қандолатчилик, пазандалик каби йўналишлардан иборат. Дарвоқе, худудда 2014 йилга мўлжалланган бандлик дастури асосида ташкил этилган иш ўринларининг салмоқли қисми, аниқроғи, 50 мингдан ортиги айнан ёшларга мўлжаллангани билан аҳамиятлидир. Бу, табиийки, меҳнат бозорига кириб келаётган асосий қатлам — касб-хўнар кол-

лежлари битирувчилари бандлигини таъминлашда айна мудабо бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 130 га яқин ана шундай муассасанинг 34,4 мингга яқин битирувчиси ишга жойлашгани сўзимиз тасдиғидир. Бу борада таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳам яхши самара бераётир.

— Бизнес лойиҳам тижорат банкининг молиявий кўмаги билан рўйбага чикди, — дейди олмалиқлик коллеж битирувчиси Шаҳноза Раҳимжонова. — Шу тариқа "Шоҳиста Шаҳноза" тиву корхонасини очиб, 10 нафар дугонам билан бир жамоа бўлиб ишлаяпмиз. Айна пайтда мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари учун махсус чойшаблар ишлаб чиқармоқдамиз. Келгусида эркаклар ва аёллар учун мавсумий кийимлар тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

Мухтасар айтганда, иш ўринлари ташкил этиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида вилоятдаги ҳар бир шахар ва туманнинг ўзига хос хусусиятлари, демографик ҳолати ҳамда меҳнат ресурслари инобатга олингани унинг тўлақонли рўйбага чиқишини таъминляпти. Бу эса ижтимоий ҳимоя ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг янги имкониятлари сари йўл очмоқда.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тупроқсиз ҳам ҳосил олса бўлади



Одатда, кишлоқ хўжалиги экинларидан фақат тупроқ воситасида ҳосил олинади, деган тасаввурга эгамиз. Аслида ундай эмас экан. Яъни тупроқсиз ҳамда ўсимликлар уруғсиз ҳам кўчат ва ҳатто, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мумкинлиги илмий-амалий жиҳатдан ўз исботини топган.

Масалан, "гидропоника" деб юритиладиган усулни қўллаган ҳолда, ўсимликларни сувда ўстирса ҳам бўлади. Бунинг учун махсус қувурларга туваклар ўрнатилиб, уларга керамзит тоши ва вермикулит ўғити жойлаштирилади, кейин уруғ ташланади. Қувур орқали мунтазам айланб турадиган сув эса экин ривожини учун зарур ўғитлар билан тўйинтирилади. Қарабисизки, ўн кун ўтиб, тувакларда дур-

«Менинг бизнес ғоям» танловида ана шундай қизиқарли лойиҳалар таклиф этилапти.



ИЗЛАНИШ

кун кўчатлар униб чиқади. Мухими, дейлик, у агар помидор ниҳоли бўлса, атиги бир ойдан сўнг ҳосили пишиб етилади.

Сирдарё саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Гулраёна Ҳозилова «Менинг бизнес ғоям» танловининг Сирдарё вилояти босқичига тақдим этган

бизнес лойиҳа ана шундай қизиқарли ва айти пайтда, истиқболлидир. Шу боис коллеж ўқувчисининг келгусида амалга оширишни ният қилган мазкур ўзига хос тадбиркорлик режаси ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди ва у танловнинг республика босқичида

иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Бизнес лойиҳанинг мақсади қурилиш сифати ҳамда суръатини оширишга қаратилган, — дейди танловнинг яна бир иштирокчиси, Боёвот кишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Асадбек Норбўтаев. — Яъни мен таклиф қилаётган гишлар ҳозир фойдаланилаётганларнинг ўн иккитаси ҳажмига тенг бўлса-да, вази енгил. Чунки уч қисмли бу қурилиш ашёсининг бир қатлами пенопластдан иборат. Мазкур восита гишнинг вази оғир бўлмаслигини таъминлаши баробарида, хона ҳарорати мўътадиллигига ҳам хизмат қилади. Яна таклиф этилаётган гиш биноларни зах ва емирилишдан сақлайди. Уларнинг мустаҳкам бўлишини кафолатлайди.

Айтиш лозимки, лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган танловнинг бу йилги вилоят босқичига турли йўналишлар бўйича кўплаб бизнес лойиҳалар тақдим қилинди. Бинобарин, унда 90 нафар ўқувчининг ишлари кўриб чиқилди. Улар орасидан саралаб олинган ўн та бизнес-режа муаллифи танловнинг республика босқичида қатнашди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фахрийлар боғи

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ташаббуси билан Нурота туманидаги сув чиқмайдиган 100 гектар майдонда томчи-латиб сугориш технологияси асосида интенсив боғ барпо этилди.

ИНТИЛИШ

Унга «Фахрийлар боғи» деб ном берилди. Қарийб 1,5 миллиард сўм сарфланган мазкур жойга Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтидан 92 минг туп ўрик, гилос, шафтоли, нок, олхўри каби дарахт кўчатлари келтириб ўтказилди.

— Бугунги кунда дунё тажрибасида интенсив боғ ҳар жиҳатдан самарали эканлиги тўла исботланди, — дейди комбинатга қарашли «Дўстлик» агрофирмаси раҳбари Расул Ҳусенов. — Масалан, аънавий боғнинг ҳар бир гектаридан ўртача 120 центнер ҳосил олинса, яримлаканга кўчатлар учинчи йилдан бошлаб гектаридан 400-600 центнергача маҳсулот беради. Бу турдаги дарахтларнинг танаси кичик бўлгани учун уларни парвариш ва ҳосилини териб олиш қулай. Қуёш нури, ҳаво айланishi яхши бўлгани туфайли мевасининг сифати ҳам юқори.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

24 СОАТ ИЧИДА

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) жорий йилда «қора олтин»га бўлган талаб жуда тез суръатда ошиши мумкинлигини билдирди.



Бу борадаги прогноз ташкилот томонидан яқинда эълон қилинган навбатдаги маърузада баён этилган. Унга қўра, 2015 йилда углеводород хом ашёсига бўлган кунлик эҳтиёж 1,18 млн. баррелга ортиб, 92,5 млн. баррелга етади.

Шундай тахминни АҚШнинг энергетика вазирлиги қолдириб Энергетика ахбороти бошқармаси ҳам маълум қилган. Улар бир суткалик талаб 93,28 млн. баррелга етишини айтишмоқда.

Иқтисодий ўсишга эришди
Жорий йилнинг дастлабки чорагида Франция иқтисодийоти аввалги уч ойдагига нисбатан 0,6 фоиз ўсди, дейилади ушбу мамлакат миллий статистика бошқармаси маълумотида.

Франция иқтисодийоти яхшиланиб бораётгани қатор омиллар, жумладан, евро қийматининг тушгани, нефть нархининг пасайгани ва Европа марказий банки томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан боғланапти.

Темир йўлдаги ҳодиса
АҚШнинг Филадельфия шаҳрида (Пенсильвания штати) темир йўл ҳодисаси содир бўлди.

«Евроньюс» телеканали хабарига қўра, Вашингтондан Нью-Йорк томон ҳаракатланаётган йўловчи поезднинг ўнга яқин вағони ушбу ҳудудда изидан чиқиб кетган. Воқеа оқибатида беш киши ҳаётдан қўз юмган, 50 нафар одам жароҳатланган. Лекин бу рақам ўзгариши мумкинлиги айтилмоқда. Чунки поездда жами бўлиб 240 нафар йўловчи бор эди. Ҳалокатнинг келиб чиқиши сабаби ўрганилмоқда.

Кутилмаган харид
Женевадаги «Sotheby's» савдо уйи томонидан ўтказилган аукционда оғирлиги 25,59 каратга тенг бўлган ёқут 28,25 миллион Швейцария франки (30,42 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

«Sunrise Ruby» номли тош табиий қизил рангда бўлиб, у «Cartier» зарғарлик уйи ходимлари томонидан узукка қўз қилиб тайёрланган. Аукционга қадар ташкилотчилар ёқутнинг қийматини 12 — 18 млн. доллар атрофида баҳолаётган эди. Аукциондаги диққатга сазовор воқеалардан яна бири пушти рангли бриллиантнинг сотилиши бўлди. 8,72 каратга тенг бу тош 15,94 миллион АҚШ доллариға харид қилинган.

Семиришнинг яна бир сабаби
Буюк британиялик олимлар инсоннинг ортикча семиришига сабаб бўлувчи яна бир омилни аниқлашди.

Манбада айтилишича, хидни сезиш қобилияти кучли кишиларда тана вазнининг орттишига мойиллик бошқаларга нисбатан юқори бўлади. Чунки маҳсулотнинг исини тўлиқ идрок этгандан кейин, табиийки, уни истеъмол қилишга талаб ҳам ошди. Натижада озиқ-овқатни меъёридан кўп ейиш ҳолати келиб чиқади. Бу олимлар томонидан 40 нафар кўнгилли иштирокида ўтказилган тадқиқотда ўз исботини топди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ҲАВО БИЛАН СОВИТАДИГАН СОВИТИШ МАШИНАСИ (ЧИЛЛЕР)НИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ЎРНАТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер савдолари куйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь кунни давомидо қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки куйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 281-43-76, 255-75-12 (навбатчи).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ!

«Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Касб-хунарга ўқитиш марказига ўқувчилар қабул қилинади.

Марказда ўқиш (касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш) куйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади — **автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш** (автомобиллар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), **машинасозлик ишлаб чиқариши** (токарилар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), **электр ва электроника** (майшиий техника, радио ва телеаппаратларни таъмирлайдиган мутахассислар), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ҳамда бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-хунарга ўқиш муддати — **10 ой**, шундан марказда ўқиш — 6 ой, ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой.

Касб-хунарга ўқитиш марказида ўқиш истагини билдирганларнинг ҳужжатлари ихтиёрий танловга мувофиқ туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Касб-хунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислик) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом (сертификат) берилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), касб-хунар коллежлари, академик лицей ёки ўрта таълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисида ҳужжат (аттестат ёки диплом), Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган йўлланма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома (086 форма), 3,5х4,5 см. ҳажмидаги 6 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 майдан 15 июнгача қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 даҳаси.
Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 251-19-03, 251-26-91.

«KOP TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидо ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такоран қуйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган, умумий майдони 1,84 гектар бўлган (биноиншоотлар 0001-литердан 0003-литергача, 0004-литердан 00069-литергача қурилиши тугалланмаган ҳовуз ва иншоотлардан иборат) болалар спорт соғломлаштириш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 520 295 623 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер майдони 19992 кв.м. бўлган (0001-литердан 0013-литергача бино-иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013-литерлардан иборат қурилмалар ҳужжатсиз) нотуражой биноси.

Бошланғич баҳоси — 2 499 927 032 сўм.

II. 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапұл кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., туражой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли).

Бошланғич баҳоси — 279 577 385 сўм.

III. 2013 йил 23 августдаги 2-88-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чилонзор Оқтепа (собик Есенин) кўчаси, 15-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., туражой майдони 41,23 кв.м., 3 хонадан иборат бўлган 6-хонадон.

Бошланғич баҳоси — 127 300 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 2 июнь кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kop' tarmoqi ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қуйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.
Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидо ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти Бухоро шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2014 йил 25 ноябрдаги ижро варақаларига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Пиридастгир кўчаси, 24-уйда жойлашган, ер майдони 5172,0 кв.м.дан иборат ишлаб чиқариш базаси қуйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 544 766 142 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 18 июнь кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2015 йил 16 июнь кун соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидо ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган, «Samarqand» акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 1647,32 кв.м. бўлган маданият уйи, клуб ва гараж биноларининг баҳоси 10 фоиз арзонлаштирилиб, такоран қуйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 5 006 519 766 сўм.

2. Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 54-уйда жойлашган, «Samarqand» акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 248 кв.м., фойдаланиш майдони 402,88 кв.м. бўлган майшиий

хизмат кўрсатиш уйи биносининг баҳоси 10 фоиз арзонлаштирилиб, такоран қуйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 217 223 693 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 15 июнь кун соат 11.00 да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2015 йил 12 июнь кун соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотечка-банк» («Кўксарой») филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Махмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй.
Телефон: (0-366) 233-80-56.
www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Совпластитал» АЖ

шунини маълум қиладики, Хотира ва Қадрлаш кунини ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини шодиёналарни муносабати билан корхона фирма дўконидо бир ой мобайнида 30 фоизлик чегирма билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдоси ташкил қилинади.

1-сонли фирма дўкони манзили: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 24. Мўлжал — цирк ёнидаги янги кўприк ёки метронинг Гафур Ғуллом бекати. Телефонлар: (+998 71) 244-62-96, 244-50-30.

18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

Хоразм замини қадимий ва бой маданияти, гўзал ҳамда бетакрор обидалари, ноёб осорياتикалари билан дунё ахлини ҳаммиша лол қолдириб келган. Айниқса, кўҳна ва навқирон Хива истиқлол йилларида янада қўрқам қиёфа касб этиб, маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳлар қадами узилмайдиган гавжум шаҳарга, юртимизнинг чинакам туризм марказларидан бирига айланди. Ҳозир бу ерга ташриф буюрувчилар халқимизнинг буюк ўтмиши, аждодларимизнинг мислсиз иқтидори, маънавий қудратидан далолат берувчи кўп асрлик ёдгорликлар билан танишиб, уларнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан беришаётир.



«Ичан-Қалъа»: ДУНЁ САЙЁҲЛАРИНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН МЕРОС

дий-маданий меросни асраб-авайлаш, уларни илмий таърифлаш, ёшларимиз қалбида миллий ғурур туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилувчи, қадим тарихимизни гавдалантирувчи янги музейлар, замонавий экспозиция ва кўргазмалар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган.

Масалан, Хива шаҳридаги Хоразм Маъмун академиясида илм-фан тарихи музейи ташкил қилинган бўлиб, у урта бўлимдан иборат. Бу ердан илк расадхона, ёзув, тасвирий санъатнинг вужудга келиши, «Байт ул-ҳикма», «Дорул ҳикма вал маориф» фаолияти, илм-фан ривожини акс эттирувчи археологик топилмалар, кўлэмза асарлар ҳамда бошқа тарихий экспонатлар жой олган.

Хива туманида очилган алоқа-почта бўлган Хоразм алоқа-почта хизмати кеңишишни ёритиб беради. Отағий йи-музейи Қиёт кишлоғидаги Отағий бог-мажмуи марказидаги қадимги кўрган ўрнида қайта тикланган ҳовлида жойлашган. Бу масканга ташриф буюрган хар қандай киши мавжуд экспозицияни томоша қилиб, улуғ шoir, мироб, тугдор, таржимоннинг ҳаёт

йўли, тарихий ва бадий асарлардан тавсифи ҳақида бой маълумотга эга бўлади. Эътиборлиси, истиқлол шарофати билан ушбу маскан тубдан реконструкция қилиниб, энг замонавий технологик жиҳозлар билан таъминланди.

Албатта, бундай эзгу ишлар кўламини кенгайтиришда Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётган. Бинобарин, мазкур ҳужжат «Ичан-Қалъа»да сайёҳликни раванқ топтиришда янги даврни бошлаб берди. Ҳозир шу асосда музей-қўриқхона ҳудудига қурилаётган биноларнинг қандай мақсадларга мўлжаллангани, неча қаватдан иборатлиги, шунингдек, ёдгорликлар теварак-атрофидан ўришни равишда фойдаланилиши қатъий назоратга олинган.

Бунёдкорлик ишлари давомида эса нафақат обидаларни таъмирлаш, балки уларни тарихий мўҳитга мослаштириш ҳам кўзда тутилмоқда. Яъни янги тикланаётган бинолар томлари анъанавий услубда, девор сиртлари гиштдан, сомонсувоқдан бўлиши талаб этилади. Иморат баландлиги ҳам бел

гиланган меъёрлардан ошмаслиги лозим. Қолаверса, тармоқ атрофидаги ёпиқ дренаж тунноқлари тўлиқ реконструкция қилиниши ва янгидан қурилиш сизот сувлари ҳолати ҳамда сатхининг зарур меъёрга келишини таъминламоқда.

Биламизки, музейлар қадимий обидалар, воқеа-ҳодисалар ёки йирик тарихий шахслар ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлиб

23 минг нафари ана шундай бепул хизматдан баҳраманд бўлди. Жорий йилда ҳам ушбу анъанани кенг давом эттириш кўзда тутилган.

Мамлакатимиздаги маънавият даргоҳлари қатори музей-қўриқхонамизда ҳам замонавий технологияларнинг кенг жорий қилиниши халқимизнинг умуммиллий бойлиги бўлган ашълар ва коллекцияларни кўз қорачиғидек

карталарда моддий-маданий меросимиз тўғрисидаги ахборотларни жойлаштириш, инфокиослар учун маданий мерослар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар жамланган дастурлар яратиш, ҳудудда Wi-Fi тизимини ташкил қилиш, «Google Earth»да жойлаштириш асосида оптик толали алоқа тармоқларини ўрнатиш бўйича ишлар ҳам олиб борилмоқда.

Туризмни ривожлантиришда музейларнинг муҳим ўрин тутиши барчага аён. Айни пайтда сайёҳларда уларни томоша қилиш билан бирга, ўзбек халқи маданияти, санъатини жонли лавҳалар орқали кўришга қизиқиш кучайди. Шу нуктаи назардан «Ичан-Қалъа»нинг «Тош Ҳовли» саройида доимий фаолият кўрсатувчи театрлаштирилган «Хон қабулида» томошаси, «Аллоқулихон» мажмуида фольклор-этнографик жамоа чиқишлари, ёнги кинотеатримизда «Алишер Навоий», «Утган кунлар», «Тоҳир ва Зухра» каби ўзбек миллий киноси дурдоналари намойиш этилмоқда. Ёқуббой Хўжа мадрасасидаги Хива гиламлари тўқиш устaxonасида эса сайёҳлар қадимий технология асосида гилам тўқиш жараёни билан яқиндан танишмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Спорт

Таиланднинг Паттайя шаҳрида шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиздан Жавохир Синдоров олтин, Ақобирхон Сайдалиев эса бронза медалини кўлга киритди.



Блиц — тезкор шахмат бўйича ўн бир ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган Жавохир Синдоров олтин партияда галабага эришди, битта ўйинни эса дуранг билан якунлади. Шу тарихка 6,5 очко жамгарган ёш шахматчимиз жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Ушбу йўналишда етти ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида дона сурган Ақобирхон Сайдалиев етти имкониятдан беш очко жамғариб, кучли учликдан жой олди.

Жумладан, шаҳарнинг мўъжизавий «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси Урта Осиёда сақланиб қолган ягона очиқ осмон остидаги шаҳар-музей ёдгорлиги бўлиб, у кўп минг йиллик меъморчилик, халқ амалий санъати оид доимий кўргазма ва экспозицияларни ўзида мужассамлаштирган. Бу ердаги 140 дан ортик археологик обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда.

«Ичан-Қалъа» 26 гектар майдонни эгаллаган. Бугунги кунда музей-қўриқхона ходимлари томонидан меъморий обидалар, ноёб ашёлар ва нодир коллекцияларни сақлаш, ўрганиш ҳамда кенг миқёсда намойиш этиш борасида изчил изланишлар олиб борилаёпти. Чунончи, бу жараёнда мод-

Япониялик олимлар Ўзбекистоннинг бой тарихи ҳақида

Япониядаги Ришшо университетидан Кунҷар мамлакат тадқиқотчилари томонидан Ўзбекистонда олиб борилаётган археологик қазилма ишлари мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДУНЁ НИГОХИ

Ушбу тадбир доирасида ташкил этилган Сурхондарё вилояти тарихи ҳамда унинг археология ёдгорликлари тақдироти чоғида Қоратепе, Фаёзтепа, Далварзинтепа ва Зартепа сингари шаҳарчалардаги қадимги буддавийлик ёдгорликларига оид маълумотлар мулоқотларининг асосий мавзуси бўлди. Маълумот тарихида шуни қайд этиш керакки, Ришшо университети (Rissho University) Япония-

даги энг қадимги таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Унга 1872 йили асос солинган. Ушбу олий ўқув юрти 20 та факультетни, 15 та тадқиқот институти ва марказларни бирлаштирган. Ришшо университетидан 12 минг нафар талаба таҳсил олади. У ерда хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатадиган 40 та олий ўқув юрти билан ўзаро шериклик алоқалари йўлга қўйилган. Япония университетла-

рининг профессор ва тадқиқотчилари, илмий-академик доиралари вакиллари иштирокида ўтган мазкур тадбирда қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг бой тарихи ўз илдизлари билан минг муассасаларидан бири туташади. Асрлар давомида Ўзбекистон ҳудуди кўплаб миллатлар, диний қарашлар, анъана ва маданиятлар ўчоғи бўлган. Ўзбек заминидан кўпгина археология ёдгорликлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири тадбирнинг айрим қатнашчилари билан мулоқотда бўлди.

— 2014 йили олий ўқув юртимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади, — дейди Ришшо университети профессори Харухи Ясуда. — Биз яқинда Термиздаги Қоратепе шаҳарчасида қўшма археологик қазилма ишларини олиб бордик. Бундан кўзланган мақсад қазилма ишлари маълумотлари асосида қадимги халқлар маданиятининг бирикуви кузатилган Қоратепе орқали буддавийликнинг Шарққа тарқалиши тарихини очиб беришдир. Бизнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишларимиз Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ва маданиятини тадқиқ этишда муҳим натижалар беради ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшади, деб умид қиламан.

— Мен Сурхондарё вилояти ҳудудидан археологик қазилма ишларида иштирок этиб келаётганимга 25 йилдан ошди, — деди япон археолог олими, «Дўстлик» ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като. — Сурхондарё меъморий ёдгорликлари ўзбек халқининг ноёб ва ривожланган тарихи илдизлари жуда чуқур эканлигини тасдиқламоқда. Маданиятлар ва динлар чорраҳасида бўлган ўлкангиз бутун минтақанинг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Ўзбекистонда буюк аждодларнинг бой маданий мероси асраб-авайлаб келинаётгани баробарида, археология ёдгорликларини ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Чунки уларнинг дизайни ўзига хос. Миллий нафосат кўзга яққол ташланади. Қолаверса, қадимий усулда ҳамда қўл меҳнати билан тайёрлангани боис қадри ҳам анча баланд. Яқинда хорижлик буюртмачиларга салкам беш минг АҚШ долларлик ана шундай буюмларни етказиб бердик.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ёш хунарманд хориждан буюртма олди

Бухоро тумани марказида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган Маржона Соҳибова хориждан тушган дастлабки буюртмани қисқа муддатда бажарди.

— Галаосиё шаҳарчасида Андижон вилоятидаги «Javohir real favorit» масъулияти чекланган жамиятининг филиалини очиб, ўнта иш ўрни яратганмиз, — дейди М. Соҳибова. — Аёллар кийимлари, ракс ва байрам либослари, турли пардалар тиқиш билан машғулмиз. Бизнинг камзул ва сумкаларимизга чет элликлар алоҳида қизиқиш билдиришаёпти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Advertisement for 'Dustlik' award-winning Navoiy non-ferrous metallurgy plant. Text includes: «Дўстлик» ордени Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп минг кишилиқ жамоаси турдош корхоналар ишчи-хизматчилари ва муҳандис-техник ходимларини ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ муносабати билан қизғин муборакбод этади!

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида давом этаётган кўзи оғизлар ва заиф кўрувчилар ўртасидаги V Бутунжаҳон ўйинларида вакилларимиз ҳам муносиб қатнашмоқда.



Фикримизни мусобақанинг дастлабки кунларида вакилларимиз томонидан иккита олтин ҳамда биттадан кумуш ва бронза медали жамғарилгани ҳам тасдиқлайди. Бутунжаҳон ўйинларида тажрибали спортчимиз Дмитрий Хорлин эришаётган натижалар кўпчиликнинг ҳавас ва ҳайратига сабаб бўлаётган. У дастлаб 200, кейин эса 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида голиб чиқди. Юз метрга баттерфляй усулида сузишда Муҳаммад Абдураимов маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Яна бир ҳамюртимиз Шаҳзод Жуманиёзов эса 50 метрга брасс усулида сузиш бўйича учинчи натижани қайд этди. Мазкур мусобақада 15 нафар вакилимиз спортнинг сузиш, енгил атлетика ва дзюдо турлари бўйича беллашуларда қатнашаётган.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Footer information including: Халқ сўзи Народное слово, Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ, МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15, МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.